

ВЕТЕРИНАРИЯДА «МЕЦАЛЬБЕН-700» ПРЕПАРАТИНИ (ТАБЛЕТКА) Қўллаш бўйича Қўлланма

1 УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

- 1.1 «Мецальбен-700» препарати ўз таркибида фаол таъсир этувчи модда сифатида альбендазол (таблеткада 0,7 г), шунингдек ёрдамчи компонентларни сақлайди.
- 1.2 Препарат ташқи кўринишига кўра кулранг ёки сут тусли кулрангдаги тўғри юмалоқ шаклдаги таблеткалардан иборат.
- 1.3 «Мецальбен-700» таблеткалари 10; 25–500 донадан полимер идишларга ёки 5-20 донадан индивидуал контурли идишга (блистерларга) қадокланган ҳолда ишлаб чиқарилади.
- 1.4 Препарат завод ўрамада, курук, коронги ва болалар йетаолмайдиган жойда, +25°C дан ошмаган ҳароратда сақлаш лозим.
Препаратнинг яроқлилиги муддати 3 йил.

2 ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1 Альбендазол кенг доирада таъсир кўрсатувчи антигельминтик восита бўлиб, этилган ва этилмаган нематодлар ва цестодлар, шунингдек этилган трематодларга нисбатан фаол таъсир кўрсатади.
- 2.2 Препаратнинг таркибига кирувчи альбендазолнинг таъсир қилиш механизми гельминтларнинг углевод алмашинувини бузишдан иборат, бу эса уларнинг ўлимига ва ҳайвон организмидан чиқарилишига олиб келади. Препарат орал (оғиз орқали) берилганда альбендазол ошқозон-ичак тизимида тез сўрилади ва аъзоларга ҳамда тўқималарга кириб ўзлашади; организмдан асосан сийдик ва ахлат билан чиқарилади. Шунингдек препарат овоцид таъсирига ҳам эга бўлиб яйловларнинг гельминтлар билан зарарланишини камайтиради.
- 2.3 Препарат организмга таъсир этиш даражасига кўра ўртача хавфли моддалар қаторига киради. Тавсия этилган дозаларда ҳайвонларга салбий таъсир этмайди.

3 ПРЕПАРАТНИ Қўллаш ТАРТИБИ

- 3.1 «Мецальбен-700» таблеткалари қуйидаги касалликларда йирик қорамол, қўйлар, эчкилар, чўчкалар, отларни гельминтсизлаштириш учун қўлланилади:
- ошқозон-ичак нематодозлари (гемонхоз, буностомоз, эзофагостомоз, нематодироз, остертагиоз, хабертиоз, коопериоз, стронгилоидоз, трихостронгилез, гиостронгилез, параскаридоз, аскаридоз);
- ўпка нематодозлари (диктиокаулез, протостронгилез, мюллерия, неостронгилез, цистокаулез, метастронгилез);
- цестодозлар (мониезиоз, авителлиноз, тизаниезиоз);
- трематодозлар (фасциолез, дикроцелиоз, парамфистоматоз).
- 3.2 Таблеткалар ҳайвонларга мажбуран тил илдизига, бир мартаба, қуйидаги дозаларда (ҳайвоннинг вазнига) берилди:
- йирик қорамолга – 120 кг вазнига 1 таблетка, фасциолез, дикроцелиоз, парамфистоматоз ва остертагиозда – 80 кг вазнига 1 таблетка;
 - қўйларга ва эчкиларга – 60 кг тана вазнига 0,5 (яримта) таблетка; фасциолез, дикроцелиоз ва протостронгилоидозда – ҳайвоннинг 50 кг вазнига 0,5 (яримта) таблетка;
 - чўчкаларга – ҳайвоннинг 60 кг тана вазнига 1 таблетка;
 - отларга, эшакларга – ҳайвоннинг 70-90 кг тана вазнига 1 таблетка;

Гельминтсизлаштиришдан аввал махсус парҳез ва сурги дориларни қўллаш талаб этилмайди.

3.3 Алоҳида кўрсатмалар. Ёлпасига гельминтсизлаштиришдан аввал препаратнинг ҳар бир партиясига ҳайвонларнинг кичик гуруҳида (5-10 бош) синовдан ўтказилади. 3 сутка ичида асоратлар бўлмаса, препарат барча ҳайвонларга берилди.

3.4 Ножўя ҳолатлар. «Мецальбен-700» таблеткалари тавсия этиладиган дозаларда қўлланганда ножўя ҳолатлар кузатилмайди.

3.5 Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар. Препаратни қўллаш ўткир фасциолез ҳолатида, ҳайвонларни қочириш даврида, юкумли касалликлари бўлган ва ҳолсизланган ҳайвонлар, шунингдек қўйлар, эчкилар ва чўчкалар учун ҳомиладорлигининг биринчи ярмида, сигирлар ва отлар учун ҳомиладорлигининг биринчи учдан бир қисмида руҳсат этилмайди.

3.6 Препаратни қўллангандан кейин йирик қорамол ва қўйларнинг гўшти озик-овқат мақсадида, мувофиқ равишда, 14 ва 10 кундан сўнг, сут эса, мувофиқ равишда, 3 ва 4 кундан сўнг ишлатиш мумкин. Мажбуран ҳолларда юқорида кўрсатилган муддат тугашидан аввал сўйилган ҳайвонларнинг гўшти мўйнали ҳайвонларни озиклантиришда ёки гўшт-суяк унини ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин.

4 ШАХСИЙ ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

- 4.1 Препарат билан барча ишларни махсус кийимдан (халат, бош кийими, резина қўлоқ) фойдаланиб бажариш лозим. Препарат териға ёки шиллик пардаларга тасодифан теккан ҳолда, уни дарҳол кўп микродоғдаги сув билан ювиш керак.
- 4.2 Ишлаш пайтида ичиш, чекиш ва овқат ейиш тақиқланади.
- 4.3 Иш тугагандан кейин қўлларини совун ва илик сув билан яхшилаб ювиш; қўлоқларини ювиш ва қуритиш лозим.
- 4.4 Препаратнинг идишини озик-овқат мақсадлари учун ишлатиш тақиқланади.

5. ЭЪТИРОЗЛАРНИ БИЛДИРИШ ТАРТИБИ

5.1 Ишлов берилган ҳайвонларда асоратлар пайдо бўлган ва препаратнинг таъсири ушбу қўлланма талабларига мувофиқ келмаган ҳолларда уни қўллаш тўхтатилади, бу ҳқида Ўзбекистон ветеринария препаратлари давлат илмий-назорат лабораториясига (ЎзДИНЛ) қуйидаги манзил бўйича хабар берилди: 100178, Тошкент ш., Қора-қамиш кўчаси, 1а. Тел./факс: 228-76-14, 229-3047. E-mail: vpinl@qsvx.uz. Шу билан биргаликда лаборатория манзилига, тегишли очилмаган препарат ўрамлари ва препаратнинг қўлланмага номувофиқлик тавсифи батафсил баён этилган хат жўнатилади.